

ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ШАКЛАНТИРУВЧИ ВА ТАРТИБГА СОЛИБ ТУРУВЧИ МУҲИМ ОМИЛЛАР

Салимов Бахриддин Лутфуллаевич.

Тошкент давлат транспорт университети профессори в.б.

Абдухоликов Диёрбек Сайрбек ўғли.

Тошкент давлат транспорт университети талабаси.

Комилов Фарходжон Абдусамин ўғли.

Тошкент давлат транспорт университети талабаси

АННОТАЦИЯ

Мақолада ижтимоий муносабатларнинг бардавомлиги, келгуси тараққиёти кўп жиҳатдан қонунларга, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қонунларнинг амалда ишилаш даражасига боғлиқлиги, умуман олганда, қайси даврларда бўлмасин, қонунлар ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиб туришида ва кишилик жамиятини кейинги тараққиётида устувор аҳамиятли бўлиб келаётганлиги таҳлил этилган.

Калим сўзлар: тараққиёт, ишонч, ҳамжиҳатлик, қонун, тартиб, эҳтиёж.

АННОТАЦИЯ

В статье анализируется тот факт, что устойчивость и будущее развитие общественных отношений во многом зависят от законов, а точнее, от уровня практического функционирования законов.

Ключевые слова: развитие, доверие, солидарность, закон, порядок, потребность.

ABSTRACT

The article analyzes the fact that the sustainability and future development of social relations largely depends on laws, and to be more precise, the level of practical functioning of laws.

Key words: development, trust, solidarity, law, order, need.

КИРИШ

Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва тараққиёти бир қатор омилларга боғлиқдир. Кишилар орасидаги ўзаро хурмат, ишонч ва ҳамжиҳатлик тамойиллари ҳам ана шу омиллар қаторига киради¹. Ўзи мазмунан мушоҳада юритганда ҳам ижтимоий муносабатлар бу инсонларнинг муайян мақсадлар йўлида бирлашиши, жипсланиши демакдир. Бу бирлашиш учун эса албатта маълум сабаблар, асослар мавжуд бўлиши аниқ. Бу борада

¹ Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.

Демокрит шундай ёзади: «Ваҳший ҳайвонларнинг хужумлари ва табиат инжиқликларига дучор бўлган одамлар яшаб қолишлари учун жуда муҳим бўлган омил – бир-бирларига ёрдам беришни ўргандилар ва шу билан бир-бирларининг яхши-ёмон томонларига қўнишиб бордилар... Буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда ижтимоий муносабатларнинг шаклланишига фойда келтирди. Умуман олганда дастлабки вақтларда эҳтиёж, муҳтожлик ва тажриба инсон учун барча жабҳаларда устоз вазифасини бажарган»². Бу фикрлар нафақат Демокрит даврида, балки айни замонда ҳам аҳамиятга эгадир. Негаки инсонлар бугун ҳам маълум бир муҳтожликлар сабаб ва ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бирларига яқинлашадилар, бир-бирларидан кўмак оладилар ҳамда таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, бир-бирларидан фойдаланадилар. Аввал ҳам, ҳозир ҳам ҳеч бир инсон ижтимоий муносабатлардан узилган ҳолда тўлақонли ҳаёт кечириши, юксак натижаларга эришиб, шахс сифатида тарихда қолиши мумкин эмас.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тўғри, одамзод тоғу-тошда, чўл-биёбонда якка-ёлғиз кун кечириши мумкин. Ҳа кун кечириши мумкин, лекин уни шахс сифатида ҳеч ким билмайди ва тан олмайди. Зотан, инсон жамиятда яшамасдан ижтимоий муносабатлардан йироқда экан жамият ҳам у ҳақида маълумотга эга бўлмайди. У ҳақида маълумот йўқ экан у жамият учун, бошқа инсонлар учун ҳеч ким эмас. Яъни, ижтимоий муносабатлардан ташқарида яшайдиган инсон нақадар юксак иқтидор ва қобилияtlар эгаси бўлмасин, буларни ҳаммаси бефойда ва кераксиз бўлиб қолаверади³. Ҳар қандай инсон жамоа билан қўшилса, ижтимоий муносабатларда жамоа билан биргалиқда фаолият кўрсатсагина ундаги иқтидор ҳамда қобилияtlар юзага чиқади ва шу тариқа бошқалар у ҳақида маълумотга эга бўлади. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик керакки, ижтимоий муносабатлар ўз-ўзидан, стихияли амалга ошавермайди. Ижтимоий муносабатлар муайян қонун-қоидалар асосида амалга ошади. Ижтимоий муносабатларга киришган инсонлар мазкур қонун-қоидаларга қараб ўzlари учун нима мумкину, нима мумкин эмаслигини белгилаб оладилар. Ўзи барча мавжудотлар ичida энг мукаммали ҳисобланган одамзот учун қонун керакмикан?

² Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

³ Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.

Шу ва шу мазмундаги саволларга тұғри жавоб топишида Демокритнинг қуидаги фикрларидан фойдаланиш жуда ҳам үринлиdir: «Қонун – одамлар ҳәтини яхшиланишига хизмат қилишни хоҳлайды. Лекин, одамлар ҳам үзларига яхши бўлишини сидқидилдан исташлари керак. Ёки қонун ўз эзгу мақсадларини тўлақонли рўёбга чиқариш учун унга сўзсиз итоат этиш талаб этилади»⁴. Ўзи мантиқан ўйлаб қаралганда ҳам ижтимоий муносабатлар доирасида одамлар ҳәтини биргина қонунларни чиқариш ва уни ўрнатиш воситасида яхшиланишига эришиш қийин масала. Тўғри давлатнинг мажбурлов кучи ёрдамида қонунларни бажарилишини таъминлашга эришиш мумкиндир. Аммо, одамларнинг ўзлари ҳәётларини яхшиланишини исташмаса, қонунларнинг мазмун-моҳиятини англаб етишмаса ижтимоий муносабатларнинг такомиллашувига, жамият ҳәтини юксалишига эришиш масалалари мавҳумлигича қолаверади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиб турадиган қонунлар ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлиб, осмондан тушиб қолмайди. Балким, қонунлар ҳам инсон тафаккурининг маҳсули ҳисобланиб, инсониятнинг ақл-заковатда етук вакиллари томонидан ишлаб чиқилади. Тўғри аввалги даврларда қонунларни ишлаб чиқишида асосан ҳукмрон синфларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлигини кўришимиз мумкин. Кишилик жамияти бошидан кечирган асосий ижтимоий-иқтисодий формациялардан «қулдорлик», «феодализм» давларида ва «капитализм»нинг ilk босқичларида бу каби ноҳақликлар давом этди. Яъни “Кимларнинг қўли баланд келса, ўшалар у ерда ҳамма вақт қонунлар ўрнатдилар”⁵.

Аммо, ҳозирга келиб бундай ҳолатга барҳам берилган. Бошқача қилиб айтганда қонун «Ҳар бир инсонга ўзи хоҳлагандай яшаш имкониятини беради. Фақат, бошқалар манфаатига зиён етказмаслик шарти билан»⁶. Жуда жуяли таъриф.

Ижтимоий муносабатларнинг бардавомлиги, келгуси тараққиёти қўп жиҳатдан қонунларга, яна ҳам аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, қонунларнинг амалда ишлаш даражасига боғлиқдир. Умуман олганда, қайси даврларда

⁴ Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

⁵ Salimov Baxriddin Lutfullaevich. The philosophical role of dialectical categories in human life. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. Volume: 1, Issue 6, 2021. -P.406-410.

⁶ Бахриддин Лутфуллаевич Салимов, Одилбек Дониёр Үғли Бозорбоев, Хусниддин Равшанбек Раджапбаев (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙӢ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФӢ ҚАРАШЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (11), 286-291.

бўлмасин, қонунлар ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиб туришда ва кишилик жамиятини кейинги тараққиётида устувор аҳамиятга бўлиб келмоқда⁷.

Бугунги дунёдаги давлатларнинг қонунлари демократик руҳда, умумхалқ манфаатини кўзлаган ҳолда яратилган ва яратилмоқда. Луғавий жиҳатдан демос – халқ, кратос – ҳокимият сўзларидан олинган «Демократия»нинг ўзи ҳам – бу қонун доирасидаги эркинлик демакдир. Яъни, инсонлар ўз ҳаётларида эркиндиrlар, лекин эркинликларнинг ҳам чег-чегараси бор. Бунинг сабаби шундаки, ҳеч қандай қонунларга буйсунмаслик жуда оғир салбий оқибатларга олиб келиши тарихда ўз исботини топган. Антик даврнинг бошқа бир буюк алломаси Платон қарашларида айтилганидек, «Тўла эркинлик ва ҳеч қандай ҳокимиятга бутунлай бўйсунмаслик, бошқа одамларга мұтадил бўйсунишга қараганда анчагина ёмон»⁸.

Дарҳақиқат, ҳозирги сиёсий фанларда «анаҳизм» деб номланадиган ҳокимиятсизлик, ҳеч қандай ҳокимиятга бўйсунмаслик давлат ва жамият ҳаётини таназулга олиб бориши илмий ва ҳаётий фактлар асосида аллақачон аниқланган. Ҳозирги замон сиёсий саҳнасида рўй берадиган воқеалар силсиласида Афғонистон, Ироқ, Ливия, Сурья каби давлатларда рўй берадиган воқеалар бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу мамлакатларнинг бугунги аянчли аҳволга тушиб қолишига асосан ҳокимиятсизлик, қонунсизлик сабабдир. Масалан Афғонистон ҳукуматининг қонунлари ва ҳокимияти мамлакатнинг аксарият худудида амал қилмайди. Натижада ҳеч бир ҳукуматга бўйсунмайдиган ва ҳеч қандай қонунни тан олмайдиган қолган худудлар наркотик моддаларни етиштирувчи, уюшган жиноятчилик, терроризм каби иллатларнинг марказига айланиб қолган. Келишмовчиликлар содир бўлмоқда. Охир-оқибатда ижтимоий муносабатларга путур етиб, жамият ва давлат ҳаёти издан чиқиб кетган. «Келишмовчилик гарчи донишмандлик туюлсада, энг улкан жоҳиллик, нодонликдир»⁹.

Ижтимоий муносабатлар доирасида кишилар орасидаги келишмовчиликлар охир-оқибатда аянчли оқибатларига олиб боришига шубҳа йўқ. Ушбу тамойил якка олинган инсонлар муносабатларига, оила, қариндош-уругчилик муносабатларига, жамоалар, барча давлат ва нодавлат

⁷ Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ -ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. Journal of Integrated Education and Research, 1(6), 11–17.

⁸ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

⁹ Баҳриддин Лутғуллаевич Салимов, Одилбек Доңиёр Ўғли Бозорбоев, Хусниддин Равшанбек Раджапбаев (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (11), 286-291.

ташкilotлариға, ва халқаро муносабатларида ҳам бирдек амал қилади¹⁰. Шу боис, келишмовчилик ибораси жамият ҳаёти учун ижобий тушунча бўла олмайди. Инсон феъл-атвори ижтимоий муносабатлардаги баъзи келишмовчиликларни келтириб чиқаради. Маълумки азал-азалдан диний-фалсафий таълимотларда бутун дунё, жумладан, инсон қалбида бир-бирига қарама-қарши иккита куч мавжудлиги таъкидлаб келинади. Бу ҳар хил фалсафий йўналишларда турлича шаклларда кўринсада мазмунан бир хил. Хусусан, Платон фикрича «Ҳар бир одам ўзида иккита қарама-қарши ва жоҳил маслаҳатчига эга – (булар): лаззат ва дард»¹¹.

Бизга маълумки, инсониятнинг энг етук вакиллари қадимги даврлардан ҳозирги кунгача бўлган давр оралиғида ижтимоий муносабатларда тенгликни, адолатни қандай қилиб таъминлаш, жамиятда яшовчи фуқароларга ким бўлишидан бирдек ҳаёт тарзини яратиб бериш борасида бош қотириб келганлар. Ҳар бир олим ўз тафаккури нұктаи-назаридан бу саволларга жавоб беришган бўлсада, минг афсуски ҳаммани қаноатлантирадиган ягона тўғри жавоб ҳалигача топилгани йўқ. Шундай бўлсада ушбу масала ҳали-ҳамон ўз долзарблигини сақлаб қолаётир. Айтиш мумкинки антик давр алломалари ўз асарларида ушбу мавзуга жуда кўп маротоба мурожаат қилишиб, бир қатор эътиборга молик фикр-мулоҳазаларини ёзиб қолдиришган. Жумладан, Платон ижтимоий муносабатларда тенгликни, адолатни таъминлашда асосий устувор жиҳат қонун устуворлиги эканлигини тушуниб етади. «Қаерда қонун ҳокимлар устидан ҳукмдор бўлса, улар эса унинг қуллари бўлса, ўша ерга худонинг неъматлари ёғилади»¹².

ХУЛОСА

Узоқни кўзлайдиган, халқини буюк келажак сари етаклайдиган барча давлат раҳбарлари қонун устуворлигини таъминлаш масаласига биринчи галдаги вазифалар қаторида қарашмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Қонун устуворлиги принципи жамиятимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, барча ислоҳотларни амалга оширишнинг муҳим кафолатидир»¹³. Дарҳақиқат, мамлакатнинг барча

¹⁰ Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.

¹¹ Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.

¹² Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 2(07), 94-101.

¹³ Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манбаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 8.

соҳаларида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кутилган самараларни келтириши, кўзланган мақсад-муддаоларга етишиши, халқ турмуш тарзининг фаровонлик даражасига эришиши кўп жиҳатдан қонун устуворлигининг қандай даражада эканлигига боғлиқ. Шуларни инобатга олган ҳолда ҳам юртимизда ушбу масалага ҳар доимо долзарб масала сифатида қараб келинаётир.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 8.
2. Салимов Б.Л. Ижтимоий муносабатларнинг коммуникация ва транспорт тизими билан детерминистик боғлиқлигининг гносеологик таҳлили. Фалсафа фанлари доктори диссертацияси. Ўзбекистон Миллий университети. Тошкент. 2022, 224 б.
3. Lutfullaevich, S. B. (2021). The views of philosophiacal analysis of ancient greek scholaks on social relations. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 2(07), 94-101.
4. Lutfullaevich, Salimov B. "The Manifestation of Dialectical Principles in the Life of the Human and Society." *JournalNX*, vol. 6, no. 05, 2020, pp. 112-117.
5. Бахриддин Лутфуллаевич Салимов, Одилбек Дониёр Ўғли Бозорбоев, Хусниддин Равшанбек Раджапбаев (2022). ЖАМИЯТДА ИЖТИМОЙИ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ФАЛСАФИЙ ҚАРАШЛАР. Academic research in educational sciences, 3 (11), 286-291.
6. Салимов Б. Л., Мазбутов Д., Жўраев А. (2022). ИЖТИМОЙИ МУНОСАБАТЛАРДА ТЕНГЛИК ВА ТЕНГСИЗЛИК ҚОНУНЛАР ВА УРФ - ОДАТЛАРНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 11–17.